

ЧЎЛЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР.

Йулдашева Истора Мирвоҳидовна

Тошкент гидрометеорология техникуми махсусфан уқитувчиси

Аннотация; *Ҳозирги вақтда чулланиш муаммолар аср муаммосига айланмоқда. Фан-техниканинг, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, антропоген омилларнинг табиатга таъсирининг кучайиши натижасида биосфера экотизимларининг бузилиши, чўлланиш ва сайёрамизда ҳароратнинг ошиб бориши кузатилмоқда.*

Калит сузлар: *Қурғоқчилик ва чўлланиш, Орол денгизи, Тупроқни чўлланишидан асраш, Қурғоқчил иқлим минтақаси, Ерлар деградацияси,*

Кириш: Экологик муаммоларнинг кескинлашуви ердаги ҳаётга хавф туғдирмоқда. БМТ томонидан 1994 йилдан эътиборан 17 июнь — Умумжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни деб эълон қилингандан бошлаб жаҳонда ушбу кун кенг нишонланиб келинмоқда. Ўзбекистон Осиё минтақасида биринчилардан бўлиб, Конвенцияга аъзо бўлган давлатлардан ҳисобланади ва ушбу Конвенция 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилиниб, 1996 йилдан кучга кирди. Бугунги кунда мазкур Конвенцияга 196 та давлат аъзо. Ер майдонларида қурғоқчилик ва чўлланиш муаммоси бугунги кунда барча халқаро жамоатчилик, ер эгаларининг, илмий даргоҳларнинг ва сиёсатшуносларнинг доимий диққат-эътиборида. Қурғоқчилик ва чўлланиш бутун инсониятга ижтимоий, иқтисодий зарар келтириб, дунё миқёсида экологик таҳдид хавф солмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 70 фоизи ёки 31,4 млн. гектар ери қурғоқчил майдонлардан иборат бўлиб, улар асосан табиий шўрланган, кўчма бархан қумликлар ва қумликлардан иборат чўл ҳамда иссиқ гармсел шамоллари таъсиридаги худудлардан иборатдир.

Тупроқни чўлланишидан асраш



Қурғоқчил иқлим минтақасида Ер юзаси аҳолисининг 20% и (800 млн киши) истиқомат қилади. Чўлланиш Ўзбекистонда ҳам содир бўлмоқда. Республиканинг 70% ортиқ майдони чўл ва чала чўл минтақаларида жойлашганлиги сабабли суғориладиган ерларда шўрланиш шамол, ва сув эрозияси, яйловларда гурунт сув сатҳининг кўтарилиш каби ҳодисалар кейинги йилларда катта майдонларда рўй бермоқда. Чўлланиш ва шўрланишнинг тезлашуви оқибатида сўнгги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Ноқулай экологик вазият қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва чорва маҳсулотлари етиштиришнинг кескин камайишига олиб келди.

Орол денгизининг қурий бошлаши иқлимга ҳам таъсир кўрсатди.

Орол бўйи ҳудудида вужудга келган экологик танглик аҳоли саломатлигига ҳам таъсир кўрсата бошлади.

Аҳоли ўртасида юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас олиш органлари касалликлари (ўпка сили, астма, бронхит) кўпайди. Экологик танглик Орол бўйи табиати, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ҳам катта зиён етказди. Сув захираларининг камайиши ва шўрланиши натижасида яйловларда чорва учун озиқ бўладиган ўсимликлар тури ва сифати камайиб, ўтлоқлар майдони деярлик уч мартага қисқарди. Денгизнинг қуриган қисмида майдони тахминан 5,0 млн. га бўлган янги чўл – Оролқум, оппоқ туз билан қопланган кенг ҳудудлар пайдо бўлди. Ундан юзлаб километрга миллионлаб тонна туз, чанг ва қумларни тарқатувчи чанг ва тузли довуллар кўтарилади.

Орол денгизи сув сатҳининг қуриши туфайли Ўзбекистонда яна кўшимча 3 млн. гектардан ортиқ майдонда “Оролқум” саҳроси пайдо бўлди. Натижада ушбу ҳудудда экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёнлари янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзага келтирди. Мазкур Конвенция доирасида Ўзбекистон томонидан олинган мажбуриятлар юзасидан кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси мазкур конвенция доирасида амалга ошириладиган мажбуриятлар юзасидан масъул орган, деб белгиланган. Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, ер ресурслари муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш давлатнинг биринчи даражали вазифаси сифатида эътироф этилган.

Мамлакатимизда соҳада қонунчилик базаси яратилиб, уни такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашишларни самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва Ҳукумат томонидан тасдиқланди. Бугунги кунда соҳада ушбу “йўл

харитаси”га асосан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ташкил этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, Орол денгизининг қуриган ҳудудида 2019 йилда 501 минггектарда, 2020 йилбаҳорида 703 минг гектар майдонда кўчма қумларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрмон барпо этиш тадбирлари амалга оширилди.

Бухоро вилоятидаги Қизилқум чўлларига туташ ҳудудларидаги суғориладиган ерларни ҳамда инфратузилмасини қум босишидан сақлаш мақсадида 200 минг гектардан ортиқ майдонда, Бухоро шаҳри атрофида “яшил қалқон” яратиш мақсадида саксовозорлар барпо этиш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда чўлланиш муаммолари; Тупроқни устки қатламининг ҳосил бўлиш тезлиги 100-1000 йилда тахминан 2,5 см ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич иқлим, ўт-ўланлар, тупроқнинг тури ва ердан фойдаланиш характериға қараб ўзгаради. Тупроқ ҳосил бўлишида бактериялар, замбуруғлар, чувалчанглар, ҳашоротлар каби кўплаб тирик жонзотлар иштирок этади. Ушбу жараён саҳроларда, баланд тоғли ва кутб доирасига яқин ҳудудларда жуда секин кечади. Мазкур қатлам бизнинг иқлим шароитларимизда жуда юпқа бўлиб, Ўзбекистон иқлимида бир сантиметр ҳосилдор тупроқ пайдо бўлиши учун юз йилдан кўп вақт кетади, агар бу жараёнга бошқа салбий омиллар аралашмаса, албатта. Шу боис қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун яроқли бўлган тупроқ миқдори ҳам жуда чекланган:

Ўзбекистондаги барча деҳқончилик дарёлар бўйлаб ҳамда тоғлар ва чўллар орасидаги тор ер майдонларида жамланган. Мамлакатимиздаги ернинг 9.5% гина республика аҳолисини боқмоқда, десак янглишмаймиз. Бу жуда қимматбаҳо капитал – захира эмас, айнан асраб-авайланиши керак бўлган капитал. Тупроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, одамларнинг эҳтиёжи учун кийим-кечакларнинг катта қисми олинадиган экинларни беради. Мамлакат аҳолиси ўсиб бормоқда, у билан бирга эҳтиёжлар ҳам ошиб боради. Инсон эскилари ҳақида қайғурмасдан янги ерларни забт этади. Ерларга ишлов бериш учун яроқли бўлган майдонлар камайиб кетаверади. Уларнинг сифати эса пасаяди... Ерлар сифатининг ёмонлашиш жараёни, улар ҳосилдорлигининг пасайиши – ерлар деградациясидир.

Қурғоқ иқлим шароитида ерлар деградацияси кўп ҳолларда чўлланиш жараёниға ўтиб кетади, бунда ҳосилдор ер саҳроға айланади

Ерлар деградацияси- тупроқнинг функциясини ўзгартирувчи, унинг хоссаларини сонини ва сифатини камайтирувчи, унумдорлигини пасайтирувчи ва йўқотувчи жараёнлар мажмуасидир.

Ерлар деградациясининг қуйидаги типлари мавжуд: технологик (узок муддат фойдаланиш натижасида); эрозия; шўрланиш; ботқоқланиш; ифлосланиш ва чўлланиш.



Чўлланиш – ўзлаштирилган унумдор суғориладиган ерларнинг ўсимликлари ва унумдорлиги йўқотилган сувсиз ва хаётсиз чўлга айланишидир. Ҳар йили ер қуррасидаги қитъалар 24 миллиард тонна тупроқнинг устки ҳосилдор қатламини йўқотади. Тупроқни шамол учиради, сув ювиб кетади. Ерлар деградацияси турли сабабларга кўра юз беради – бу табиий ва инсон фаолияти оқибатида юзага келадиган сабаблардир. Деградация кўзга яхши ташланиши мумкин – масалан, жарликлар ёки шўрхок ерлар;

-чорва юрадиган сон-саноксиз сўқмоқлар билан кесилиб кетган ҳеч нарса ўсмайдиган ёнбағирлар; ўрмонлари кесилган катта ҳудудлар;

-чанг бўронлари ёки ҳаракатланувчи қумлар кўринишида.

Ер деградацияси деярли сезилмайдиган бўлиши ҳам мумкин – қайсидир участкалардаги ўсимликлар бошқаларига қараганда касал ёки заифроқ кўринади, ёки яйловлар бегона ўтлар билан қопланиб кетгани учун яроқсиз ҳолатга келади. Ерлар деградациясининг табиий сабабларига қурғоқчилик, рельеф ва ёғинлар тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари, табиий ёнғинлар ва сув тошқинлари киради.

Ўсимликлар узоқ давом этадиган қурғоқчилик пайтида нобуд бўлиши мумкин. Марказий Осиё ёмғирлар кам бўлган чўллар ва ярим чўллар зонасида жойлашган, мамлакатимизда ёғинлар деярли бўлмайдиган жойлар ҳам етарли – улар ҳудуднинг деярли ярмини эгаллаган. Ёнғинлар ҳам жуда катта хавф ҳисобланади. Битта чакмоқ чакини юзлаб ва минглаб гектар ердаги ўрмон ва яйловларни ёндириб юбориши мумкин.

Ҳаммасини табиий ҳодисалар билан тушунтириб бўлмайди, чунки бунда инсон омили ҳам катта рол ўйнайди. Масалан, анғизни олиб ташлаш ўрнига уни маҳсус ёқиб юборишган кузги буғдойдан бўшаган далаларни ёки йўл четидаги қуриган ўт-ўланлар кўринишни бузмаслиги учун ёқилиши кузатилади ва статистика маълумотларга кўра, табиий сабабларга кўра юзага келадиган ёнғин инсон сабабчи бўлган юзлаб, минглаб ёнғинларга битта тўғри келар экан. Ёнғинларда нафақат ёши катта ўсимликлар нобуд бўлади, балки уларнинг уруғлари ҳам кулга айланади, тупроқда яшовчилар, уни ҳосил қилувчи бактериялар, ёмғир чувалчанглари ва бошқалар нобуд бўлади. Тупроқда яшовчи барча микрожонзотлар тупроқ ҳосил бўлиши учун жуда муҳимдир. Кучли ёнғинларда тупроқда йиғилган бошқа озиклантирувчи моддалар (кимёвий элементлар) ҳам ёниб кетади. Улар оксидга айланиб, атмосферага учиб кетади ва тупроқ қашшоқлашади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда дунёда экологик муаммолар тобора долзарб бўлиб бораяпти. Шу боис қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамияти эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат неъматларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш йўлида ҳамжихатликда ҳаракат қилишга қаратиб келаяпти.

1994 йилдан буён анъанавий тарзда нишонланаётган 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни бу борада муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, чўлланиш ва қурғоқчилик инсон омили ҳамда иқлим ўзгариши, хусусан, глобал исийш таъсирида дунёнинг барча минтақасида кузат илаётган ер деградацияси ҳодисасига сабаб бўлаяпти. Ўрмонларнинг беаёв кесилиши, суғориш ишларининг тўғри йўлга қўйилмагани унумдор ерларни яроқсиз ҳолатга келтирмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу салбий жараён сайёрамиз аҳолисининг бешдан бир қисмига таҳдид солаётган бўлса, қуруқлик майдонининг учдан бир қисми сахрога айланиш хавфи остида турибди. Сув, шамол эрозияси, тупроқда озуқа моддалари миқдорининг камайиши, шўрланиш, ифлосланиш, зичлашиш, ботқоқланиш, чўкиш жараёнлари таъсирида ҳар йили 7 млн. гектар экин майдонлари кишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетмоқда. Чўлланиш – ер юзасида ўсимлик қопламаниннг йўқолиб бориши ва ўз-ўзини қайта тиклай олмаслиги. қурғоқчилик – кутилмаган қуруқ об-ҳаво ва ҳароратнинг кескин кўтарилиши натижасида тупроқдаги намлик даражасининг кескин пасайиши. Чўлланиш ва қурғоқчилик жараёнларининг олдини олиш ва бошқариш жуда долзарб масала ҳисобланади, чунки ҳар йили дунёда ўртача 1 млн. га ер мазкур жараёнлар таъсирига учрамоқда. «XXI аср кун тартиби»да чўлланиш ва қурғоқчилик жараёнларини бошқаришга, айниқса чўл ва сахро минтақаларда, алоҳида эътибор берилган. Ер юзасининг 6/1 қисми чўлланиш жараёнига учраган. Шу боис ҳайдаб суғориладиган майдонларнинг 30 фоизда режалаштирилган ҳосил йиғиштириб олинмаяпти ва оқибатда юз миллионлаб сайёрамиз аҳолиси етарли даражада бирламчи озуқа билан таъминланмаяпти.

АДАБИЁТЛАР

- Эргашев А. Умумий экология.- Т.: “Ўзбекистон”, 2003
- Абдуллаев У. ва бошқалар., Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс Тошкент 2007 й.// Минг йиллик ривожланиш бўйича нашр.
- Чернова Н.М., Былова А.М. Экология просвещение М. 1988.
- Турсунов Х.Т., Раҳимова Т.У. Экология .- Т.: “Chinor ENK”, 2006.
- Одум.Ю. Экология в 2 томах М. Мир 1986.
- Отабоев Ш.М., Набиев М. «Инсон ва биосфера». Тошкент, «Ўқитувчи» 1995.



ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Национальный доклад. //О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан.-Т.: “Ўқитувчи”, 2002.
2. Бекназов Р. У., Новиков Ю. В. Охрана природы.- Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
3. Валуконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. Основы экологии том I. Общая экология книга I.- Т.: “Меҳнат”, 2001.
4. Дажо Р. Основы экологии.- М.: “Прогресс”, 1975.
5. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология.- М.: “ЮНИТИ”, 1998.